QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 18 MART, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№34 (6.559). Sotuvda erkin narhda

БУГУНГИ СОНДА

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ... (4-саҳифада)

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ (1-3-саҳифаларда)

ҚОНУНБУЗАР "ТАДБИРКОРЛАР" (1-2-саҳифаларда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

И.М.Мустафоевни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 март

***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

И.М.Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Исан Муртазаевич Мустафоевга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 март

***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Владимир Имомович Норов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 март

Нурмамат Султонов тажрибали зардўз. У айни кунларда Бухородаги "Садбарг" ҳунарманд ёшлар марказида ўқувчиларга ўз касбининг сир-асрорларидан сабоқ бераяпти.
СУРАТДА: Нурмамат ота Султонов шогирди Юлдуз Раҳимовага зардўзчилик санъатининг нозик қирраларини ўргатмоқда.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Мамлакатимизда Обод маҳалла йилига бағишлаб 15 март куни ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтди. Юртимизнинг барча гўшаларида, саноат корхоналари, қурилиш жабҳалари, дала ва фермаларда кенг кўламда бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

ҲАШАР

«Экосан» халқаро жамғармаси Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ботаника боғида «Экосан - маҳаллага» шиори остида ташкил этилган тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, талабалар, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

- Ушбу боғда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган 4500 дан ортиқ ноёб ўсимлик тури ўстирилади, - деди марказ директори О.Ашурметов ЎзА мухбирига. - Табиат қўйнидаги музей ҳисобланмиш бу гўша каттагина майдонни эгаллаган. «Экосан-Тур» халқаро экотуризм маркази билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилган ҳашар қатнашчилари боғимизни ободонлаштиришда, янги ниҳоллар ўтқазишда жамоамизга яқиндан кўмаклашди.

Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига биноан Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Обод маҳалла йили муносабати билан ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг ролига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

● **Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосининг миллий ва халқаро миқёсдаги иқтисодий оқибатларига бағишланган халқаро семинари бошланди.**

● **Хоразм вилоятидаги қатор туманларда яқин вақт ичида чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган сув босимини ҳосил қилувчи кўчмас насослар ишлай бошлайди.**

● **Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси шаҳар бўлими ташаббуси билан Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» дам олиш масканида биринчи бор тоғ чанғиси спорти бўйича очиқ чемпионат ўтказилди.**

● **Риштон тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги барча савдо дўконлари ва ишлаб чиқариш тармоқларида байрам арафасида «Наврўз» савдо ярмаркалари ташкил этилди.**

● **Шу йилнинг 10-16 март кунлари бутун жаҳонда югуриш ҳафталиги ўтказилди. Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам ҳафталик давомида спортнинг бу оммавий тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.**

● **Темурийлар даври тарихи давлат музейида Яҳё Ғуломов номидаги Республика илмий семинарининг навбатдаги 25-йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Интернетдаги www.uzgallery.uz адреси бўйича «Ўзбекистон -бугун» деб аталган онлайн-фотогалерея очилди.**

К.Х. 2003 №34 18 март

ФЕРМЕРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакли - деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди.

АНЖУМАН

Хусусан, 1991 йилда Президентнинг «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги Фармони ва бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Бу мамлакатимизда деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилишига катта замин яратди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда мамлакатимизда 72 мингдан зиёд деҳқон ва фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил 9 апрелда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бундай хўжаликларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, улар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотишга кўмаклашиш, юридик, техник-сервис хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун янада кенг йўллар очиб берди.

Шу йилнинг 28 февраль куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётида фермерликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталган эди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, компания, уюшма, суд, банк, молия, солиқ муассасалари, илғор деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

Айни кунларда юртимизнинг қайси гўшасига борманг, баҳорги юмушлар, тозалик ва ободончилик ишлари бажарилаётганига гувоҳ бўласиз. Нарпай туманининг Норбўта Ўринов номидаги маҳалла аҳли ҳам умумхалқ ҳашари куни жамулжам бўлиб, ўзлари яшаётган ҳудудга баҳорий файз олиб киришди.

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ФАРОВОНЛИК УСТУВОР

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Маҳаллада 2 минг 700 нафарга яқин киши истиқомат қилади. Чойхона, ошхона, савдо ва маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Ободончилик ишларида туман машина-трактор парки ва «Оқтошнон» ҳиссадорлик жамияти маҳалла аҳлига мададкор бўлмоқда.

- Ҳамжиҳатлик бор жойдан файз, барака аримайди,- дейди маҳалла оқсоқоли Бектош Аҳмедов. - Нима муаммо бўлса, маҳалладошларимиз билан биргаликда ҳал этиб келяпмиз. Яқинда Усмон Юсупов, Амир Темур, Лутфий номидаги кўчаларга сув келтирдик. Ҳудудимиздаги қабристон атрофини ободонлаштирдик, кўчат ўтқаздик. Наврўз байрами арафасида милиция таянч пункти фойдаланишга топширилади. Кейинроқ болалар спорт майдончаси, дам олиш хиёбони ишга туширилади. Ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида, ўзаро муносабатларида ҳам яққол акс этиб турибди.

Дарҳақиқат, маҳалла аҳли ўтган йили туман бўйича ўтказилган «Намунали маҳалла» танловида 56 маҳалла орасида биринчи ўринга сазовор бўлган эди.

Уйғун РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.

АРЗОН БЕИЛЛАТ ЭМАС

Яқинда Тошкент вилояти "Контрабанда ва ҳаракатдаги кўрикдан ўтказиш отряди" инспекторлари томонидан "Минсув" божхона пости атрофида жойлашган айланма йўли орқали от аравада келаётган юртдошимиз Комила Толипова Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, юк эгасининг сўзига кўра 645 минг 300 сўмлик бўлган кийим-кечакларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз ноқонуний йўл билан республикамизга олиб кириш чоғида ушланди.

БОЖХОНА

Шунингдек, "Контрабанда ва ҳаракатдаги кўрикдан ўтказиш отряди" 5-гуруҳ инспекторлари томонидан "Навоий" божхона пости атрофида жойлашган айланма йўл орқали ноқонуний мол олиб ўтишга уринган яна бир сохта тадбиркорнинг қилмишлари фош этилди. Тошкент туманида истиқомат қилувчи Гулнора Мирзажонова ўзининг айтишича, нархи 600 минг сўмлик бўлган чет элда ишлаб чиқарилган парфюмерия молларини Қозоғистон Республикасидан ноқонуний равишда юртимизга олиб келаётган экан. Божхоначилар кўзини шамғалат қилиб, ўзининг бу ўтмас матоҳларини пиёда олиб ўтишга уринган бу фуқаронинг найранглари иш бермади.

Харидорларнинг ниҳоятда андишалилиги бу каби учарларни мана шу каби ноқонуний ҳаракатлар қилишга ундаётган бўлиши мумкин.

Нурбек САЛОМОВ

НОМИ ЎЗГАРДИ, МАЪНОСИЧИ?..

Бугун фермер ва уюшма вакиллиги ўртасидаги муносабат қандай? Ким кимга фойда бераяпти? Кўпинча уюшманинг туман вакиллиги фермерни кўраяпти, излаяпти, топаяпти. Фермер эса "вакиллик"ни ёнида турса-да, кўрмаганга олаяпти. Ғализроқ қилиб айтсак, "вакиллик" фермердан манфаат кўраяпти. Хўш, фермернинг ўзи "вакиллик"дан манфаат топаяптими?" Ҳамма жойда муносабат бир хил, дейиш қийин. Ахир, ҳар жойнинг ўз тош-тарозуси бор...

Бандихон туманида шу муаммони кенгроқ қараб кўрайлик.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигини кўпчилик оддий қилиб "уюшма" дейди. Уюшма бошлиғи Норбой Қулниёзов. Ҳисоб-китобни "сув қилиб" ичиб юборган.

МУАММО

Аммо уюшманинг туман вакиллиги дафтаридаги рақамлар ташвишли. "Уюшма" 7 миллион 600 минг сўм қарздор. Бу ерда 5 нафар киши ишлайди. Улар бир ярим йилдан бери ойлик иш ҳақини олишган эмас.

-Светга, телефонга пул йўқ, - дейди Н.Қулниёзов. - Фермерлар эса аъзолик бадалини тўламайди!

Нега шундай? Ким айбдор? Фермер билан "уюшма" ўртасидан "қора мушук" ўтдимикан? "Воҳид" фермер хўжалиги 1998 йилдан бери аъзолик бадалини бермаган. Латиф Эргашев бошлиқ "Эргаш бобо" фермер хўжалиги уюшмадан қарздор. Бундай фермерлар жуда кўп. Уюшма "тўлайсан" дейди. Фермер "Бунча катта пулни тўламайман" деб оёқ тирайди. Муаммонинг илдизи қаерда?

(Давоми 2-бетда)

БАНК ТИЗИМИ

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда тадбиркорларга банклар яқиндан кўмак бераяпти.

"Пахта Банк"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси ҳам банк хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

-Республикамизда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда тижорат банкларига муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилган, - дейди бошқарма бошлиғи Бадриддин Насриев. - Банкларнинг бирламчи вазифаларидан бири – миллий валютамиз қадрини ошириш ва ушбу йўналишда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирларда фаол иштирок этишдир.

ЛИЗИНГГА ТРАКТОР ОЛИШДИ

(Давоми 3-бетда)

МАШРАБ БОҒИДА

ҚЎЙ БОҚИЛИБ, ШОЛИ ЭКИЛАРКАН

Ўзини Эргашбой Халилов, деб таништирган кишининг айтишича, бу ерда 25 бош қўй ва 2 бузоқ бор экан.

-Улар кимга қарашли?

-"Комхоз"га-да...

Йўқ, гап қанақадир ёрдамчи хўжалик ёхуд ферма хусусида эмас, Наманган шаҳридаги Машраб номли маданият ва истироҳат боғи тўғрисида кетмоқда.

Шоир таваллудининг 350 йиллиги арафасида шаҳар марказидаги тайёр хиёбонга Машраб номини бериш таклифи илгари сурилганди.

-Машраб шундай алломаки, унга бировнинг либосини кийдирсак, ярашмайди. Шоирга атаб бир боғ қилайликки, - деган қарши таклифлар ҳам билдирилди.

Буюк ҳамшаҳаримизга "янги либос" ҳозирлаш ҳақидаги мулоҳаза ниҳоятда чиройли, бунинг устига ўринли ҳам эди. Лекин...

ТААССУФ

"Лекин" шу сабабданки, айни ўша "ўринли" ва "оқилона" таклиф бўлмаганда, масала бошқачароқ тарзда ҳал этилармиди? Алқисса, Машрабга аталган "оҳорли либос" азалий селхонанинг қуйи оқимида қарор топди. Уни устидан катта йўл ўтган тўғон сувдан пана қилиб туради. Шукрки, ҳозирча сел оққанича йўқ. Худо кўрсатмасин, Машраб боғига сел келиш эҳтимоли бор экан, махсус тадбирга чақир-чақир бўлмаса, одамлар у ерга асло қадам босишмайди. Бу ҳол боғнинг "қисмати"га битилган бирламчи кўргулик, унинг ташландиқ алфозга тушаётгани дард устига чипқон бўлди.

Аслида боғ ниҳоятда мукаммал лойиҳа асосида яратилган. Унда Бобораҳим Машраб қайси юртни саргашта кезган бўлсалар, ўша элнинг миллий услубида биттадан нақшинкор бино қад ростлаган. Гўзал пештоқларга арабий, ҳатто чиний имлода кунгирадор лавҳалар битилганди: "Эрон", "Афғонистон", "Хитой" , "Самарқанд", "Бухоро" "Алатоо" ("Қирғизистон") ва ҳоказо.

(Давоми 4-бетда)

ФАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда раис М.Муҳитдинов, қишлоқ хўжалиги, биология, кимё ва кимё-технология фанлари бўйича эксперт кенгашларининг аъзолари, ихтисослашган кенгашларнинг раислари, илмий котиблари иштирок этдилар ва кенгаш фаолияти бўйича ҳисобот бердилар. Ҳисобот давомида мамлакатимизда олиб борилаётган илмий изланишларнинг самараси, амалиётга татбиқи, диссертациянинг мазмун-моҳияти учун масъул олимларнинг фаолияти муҳокама қилинди. Олий аттестация комиссиясининг раиси баъзи номзодлик диссертациялари мавзуларининг бир-бирига яқинлиги, айрим авторефератларда эса илмий янгилик, ишнинг амалий аҳамияти каби бандлари деярли бир хил баён этилганлиги кенгашда дастлабки экспертизанинг бўшлиги, кенгаш аъзоларининг эса зиммаларидаги вазифага масъулият билан ёндошмаганликларидан дарак бериши ҳақида гапирди.

ИЗЛАНИШЛАР АМАЛИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми 2-бетда)

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ

Бугунги кунда халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, тўкин-сочинликни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ривожланиб бораётир. Бироқ осон, аммо қингир ва ноқонуний йўллар билан мўмай даромад орттиришни кўзловчи бадният кимсаларнинг қилмишлари олиб борилаётган эзгу ишларга тўсиқ бўлиши шубҳасиз. Шу боис, уларнинг фаолиятига чек қўйиш, ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга сифатсиз мол олиб кирилишининг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўзаро ҳамкорликда турли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 май кундаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам назорат тадбирлари кучайтирилиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси идоралари, вилоят СОЖҚКБ, ИИБ, Давлат божхона бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси идоралари томонидан 2002 йилнинг 1 июнидан 30 декабрига қадар 1880 та турли-туман қонунбузилишлар аниқланиб, ҳуқуқбузар шахсларга тегишли бўлган 459,1 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилган, 306,6 млн. сўмлик товарлар давлат тасарруфига ўтказилган. Шундан 199,5 млн. сўм давлат бюджетига туширилган. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 1521 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 86 та жиноят ишлари қўзғатилган.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

"ҲАМАЛ АЙВОНИ"ДАГИ СУҲБАТ

ДУОНИНГ БАҲОСИ

ИККИ БОШЛИЛАР

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

СОТИЛМАЙ ҚОЛГАН ҚОВУН

...Икки кун қор ёғди. Ҳаммаёқ оппоқ чойшаб ёпингандек бўлди-қолди. Шунга қарамай қовун бозор гавжум.

Бозорни оралаб юрган Искандар ака чарсиллаб ёниб турган саксовулга тикилди. Узун бўйли, устига қалин сариқ чакмон ёпиниб олган йигит дам қўлларини оловга тутар, дам оғзига олиб бориб куҳ-куҳлар эди. "Узоқдан келганга ўхшайди, аслида узоқ тарафлардан келган қовунларнинг мазаси бошқача бўлади. Молига ишонмаса шунча йўл босиб, олиб келармиди?" деган хаёлга борган Искандар ака "Шу йигитнинг қовунидан олақолай" деб унга яқинлашди. Аммо исиниш учун ёқиб қўйилган саксовул билан бирга қовурилган балиқ қолдиқлари ва нон бўлаклари оловга ташланганлигини кўргач лол қолди. Дарров нонни олиб, пуф-пуфлаб олов учқунларини ўчирди. Бармоқлари куйди шекилли, қор парчасини олиб қўлларини уқалади ва йигитга юзланди:

-Бу нима қилиқ, оғайни?! Нонни оловга ташлабсан-а, нонни! Инсоф борми сенда? Ахир ҳаммамиз шу нонни деб елиб-югуриб юрибмиз-ку. Сен ҳам қовунларингни бозорга нон топай, деб олиб келгансан. Тўғримми, айт? Биласанми, бир парча нон учун, мана шу фаровон ҳаёт учун жон олиб, жон берганмиз, қон кечганмиз урушда. Бу гапни миннат қилиб эмас, сенинг инсонийликка сиғмаган қилиғингни кўриб айтаяпман...

Атрофга йиғилган одамлар бу ноҳуш манзарани кўриб қовунчи йигит қилмишидан нафратланишди. Искандар ака эса бошқа гап айтмади. Қўл силтаб, нариги қовун уюми томон кетди. Негадир бошқалар ҳам сариқ чакмонли йигит ёнидан четлаб ўта бошлашди, қовунига ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамади...

Абдулла САФОЕВ

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

Тошпўлатнинг ун иккита қўйи, тўртта қорамоли бор. Қиш чўзилди. Хашаги бирдан камайди. Нима қилсин?!

Йўли битта. Молларни яйловда боқиш керак. Аммо яйлов йўқ. Ҳамма томон ғалла, томорқа, экиладиган шудгор...

Тошпўлат ўзига йўл топди. Хўжалик қарздор бўлиб қолган. Ғалла экканлар тузук ойлик олмайди. Майсага ҳам қарамайди. Кечаси майсага молларни қўйиб келса-чи? Ким кўриб ўтирибди? Қоровул уйда ухлаб ётади. Ижарачи билиб қолса, моллар оғилхонадан чиқиб кетибди, энди бундай бўлмайди, деб ялинади...

Тошпўлат кечаси соат 2 дан ошгач, молларни ҳайдаб чиқди. Ҳаво совуқ. Уч соатлар майсани едирди. Қалтиратворди. Қўйларни ҳайдаб, уйга қайтди. Тўртта қорамолни бўғдойда қолдирди: "Қорнини тўйдириб ўзи боради".

Тошпўлат уйга келиб, совуқ еганидан дарров ухлаб қолди... Ижарачи Қурбон ака тонг қоронғусида борса, тўртта мол юрибди. Молларни ҳайдаб ишдан келди. Тошпўлатнинг қорамоллари экан: "Бунинг кўзини мошдай очайин", - деди ичида. Сим тўсиқнинг кичик эшигини очиб, молларни томорқага ҳайдади... Тошпўлат эрталаб хотинининг "вой-дод"идан уйғониб ташқарига отилди. Не кўз билан кўрсинки, тўртта қорамол мавж урган, бир миллион пул бўлади, деб тургани пиёзларни пайхон қилиб, гандираклаб юрарди. Тошпўлат зинапояга ўтириб йиғлаб юборди.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

"УСТУН"НИНГ ҚУЛАШИ

Талабалик йилларимиз эди.

Шеригим Қиётбой билан иккаламизнинг "келди-кетди"ларимиз кўп бўлганлигидан талабалар шаҳарчасидаги ётоқхонани тарк этиб, шу ерга яқин хонадонларнинг бирида ижарага яшаб турибмиз. Кун кўришимиз ҳам чакки эмас. Онда-сонда бировларнинг ҳожатини чиқариб, деганларидек озгина пул ҳам ишлаймиз-да. Хуллас, нолимаймиз, ўзимизча ҳақиқий "олтин давр"ни бошдан кечираяпмиз.

Дам олиш кунларидан бирида Қиётбой жамғармамизни "бойитиш" мақсадида эрта билан кўчага отланди, мен эса навбатчиликка қолдим. Кечки овқат тадоригини кўрмоқчи бўлиб турган эдим, кутилмаганда жўрамнинг отаси Жўлибой бува келиб қолдилар. Ачиқкина чой дамлаб бердим. Отанинг чарчоғи тарқагандан сўнг ўқишларимиз, юриш-туришларимиз ҳақида кўп суриштирдилар.

-Мен бекорга келганим йўқ, улим, - деди ота гапининг орасида. – Овулимизда Қиётбой жўранг ҳақида ажабтовур гаплар юрибди. Ичармиш, чекармиш, ўқишларим чалароқ эмиш. Шу гаплар ростми, а?

-Ҳаммаси бекор гап, - дедим мен қўлимни силтаб, отани хотиржам қилиш учун. - Ўқишлари жойида, ўзимям туппа-тузук юрибди. Эрталаб шаҳарлик курсдошимизникига ҳашарга кетувди, ҳадемай келиб қолар.

Шундан сўнг отанинг кўнгли жойига тушгандай бўлди.

-Биз сизларни келгусида обрўли одам бўлсин, деб ўқитаяпмиз, - дея насиҳатни бошладилар, – Яхши билим олсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин деб топган-тутганимизнинг бир қисмини бериб турибмиз. Худо хоҳласа, ўқишларингиз тугаса, яхши кўрган қизларингизни обериб, тўй қилиш, келин кўриш ниятларимиз бор. Ахир, сизлар энди оиламизнинг устуни бўласизлар-да...

Ота гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, эшик "ғийқ" этиб очилиб, Қиётбойнинг тиржайган қип-қизил башараси кўринди. Аллақандай бўш шишаларни қўлтиқлаб олган Қиёт ичкарига бир қадам ташлади-да, "Ҳи-и-йқ" деганича... устун қулагандай қулади. Мен-ку, қоқилақоқила йўлимни топиб кетдим, аммо Қиётбой ичкиликка бутунлай ружу қўйиб, умрининг сўнгида ҳам ачинарли ҳолатда оламдан ўтди. Уни ҳеч ким йўлдан қайтаролмаганди.

Алламберган ЖУМАНИЁЗОВ

ҚИСМАТ

Ҳар гал эрталаб ўқишга бораётганимда 70-75 ёшлардаги кампирни дидонларда сут олиб кетаётганлигини кўрардим, баъзан трамвай йўлидан ўтаётиб сутнинг ярмини тўкиб қўярди. Истиҳола билан бир куни унга яқинлашиб, ёрдам беришимни айтдим. Шу тариқа ҳар куни унинг сутини уйига элтиб берадиган бўлдим.

У кўп қаватли уйларда турарди. Лифт очилиши билан қўлимдан идишини қалтироқ қўллари билан оларди-да, лифтнинг ёпилишини кутарди. Баҳор ойлари эди. Шунчалик ўрганиб қолган эдимки, кечиккан кунлари кутиб ўтирардим. У бир гал идишни менинг қўлимдан олмади ва уйига таклиф этди. Эшик очилиши билан ошхонадан учта мушук кампирнинг олдига югуриб келди. Мени бегона санаб ташланмокчи бўлдим. Бироқ кампир уларни тинчлантириб, олиб келинган сутни улар олдига қўйди. Ҳар бири чоғроқ қўппакдек келадиган мушукларни у болаларим, деб таништирди ва ҳар қайсисининг исмини айтди.

Бир хонадан иборат бу уйга анчадан бери супурги тегмаганлиги кўриниб турарди. Уйдан қўланса ҳид келарди. Тартибсиз уйни йиғиштирмокчи бўлдим, бироқ у рухсат этмади.

Хонага ҳар хил суратлар ёпиштирилган эди. У суратларни менга таништирди:

-Мен уруш йиллари ҳамшира бўлганман, - деди кампир, ҳарбий кийинган чиройли жувоннинг расмини кўрсатар экан.

-Жуда чиройли бўлган экансиз, - дедим суратга термулганча.

-Ҳа, ёшлик – бу гўзаллик, -деди у маъюсгина.

Бироқ у одамови эканлигини, одамларни нимагадир ёқтиравермаслигини, ёлғиз ўғли билан ҳам жуда кам хат ёзишиб туришини айтди.

-Кўни-қўшни билан ҳам ишим йўқ, - деди занжир ўтказилган эшикка қараб. Кунлар яна олдинги алфозда ўтаверди. Талабаларни пахта йиғим-теримига олиб кетишди. Пахтадан келганимдан сўнг мен унинг уйига бордим. Эшикни шунча тақиллатсам ҳам ҳеч ким чиқмади. Мен "ҳар галги одамовилиги-да" деб кетмоқчи бўлиб турганимда қўшни хонадан ўрта ёшлардаги аёл чиқиб келди. У кампирни бундан икки ой бурун қазо қилганлигини, 4 кун давомида жасади ҳеч ким билмай қолиб кетганлигини, мушуклар (у айтгандек болалари) оёқлари ва юзларини таниб бўлмас даражада тирнаб ташлаганлигини ва ниҳоят бир ҳафта олдин ўғли уйни арзонгина баҳода сотиб кетганлигини айтди. Бу анчиқ қисмат, бу қадар йўқолган қадрият менинг фақат қалбимни эмас, жисмимни ҳам қаттиқ қуйдираётганди.

Нодира КУДРАТОВА

ФЕРМЕРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

(Боши 1-бетда)

Қурултойда Президентимизнинг соҳа ходимлари олдига қўйган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми анча кўпайди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фойдаланаётган умумий ер майдони 1 миллион 600 минг гектардан ортди. Ҳозир ҳар бир фермер хўжалигининг ер майдони ўртача 22 гектарни ташкил этмоқда.

Биргина 2002 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 30 фоизи, ғалланинг 41 фоизи, картошканинг 92 фоизи, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 83 фоизи, гўшт ва сутнинг 97 фоизи, тухумнинг 64 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурултойда эришилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар, муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Маҳаллий ҳокимият ва назорат идоралари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилаётган шартномаларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси янада фаолроқ иш олиб бормоғи лозим.

Қурултойда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг янги тахрирдаги низоми қабул қилинди.

Қурултойда уюшманинг Фарғона вилоят вакиллиги раҳбари бўлиб ишлаб келаётган Соҳибжон Қобулов Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

***

СУРАТЛАРДА: қурултойдан лавҳалар.
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

ИЗЛАНИШЛАР АМАЛИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги кенгашда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси ва Тошкент давлат техника университетида бажарилган номзодлик диссертациялари эса кишини ҳайратга солади. Сабаби, пойтахтнинг икки турдош ташкилотида бажарилган айнан бир йўналишдаги иш бўйича бир талабгор фан доктори, иккинчиси эса фан номзоди илмий даражасини олса. Ҳар икки иш юзасидан расмий оппонентлар қайси меъёр асосида тақриз берганликлари кишини ўйлантирмай қўймайди, албатта. Бундай лоқайдлик мустақил фанимиз учун ҳам, келажагимиз учун ҳам фожиа эмасми?! Раис иштирокчилар олдига шу саволларни қўяркан, яна бир бор кенгаш раҳбарларини етакчи ташкилот, расмий оппонентларни танлаш, мавзуларни тасдиқлаш ишларига талабчанлик билан қараш лозимлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий изланишларнинг самараси она заминга, деҳқонларимизга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим. Олий аттестация комиссияси раиси бу соҳада барометр ишлаб чиқиш кераклигини, илмий даража олганларнинг сони ортиб, ҳосилдорлик эса пасайиб кетаётганлигини илмий изланиш ва ишлаб чиқаришнинг тарқоқлиги билан изоҳлаш мумкинлиги ҳақида гапирди. Диссертация учун етакчи ташкилотлар сифатида шу соҳа ривожланган давлатларда мавжуд бўлган муассасалар тайинланиши, расмий оппонентлар эса хорижда қилинаётган илмий изланишлардан бохабар бўлишларига эътиборни қаратиш даркорлиги ва бу борада Президентимиз қўйган вазифаларни яқдиллик билан ҳамкорликда амалга ошириш лозимлиги айтилди. Диссертация савиясини ошириш, жаҳон тажрибаларини ўрганиш, улар эришган ютуқларни ўзимизга тадбиқ эта олиш, замонавий агротехнология, суғориш, ўғитлаш бўйича асосланган илмий тавсиялар бериш – булар барчаси олимларимиз зиммасидаги долзарб вазифалар эканлиги таъкидланди.

Муҳокама И.Рўзиевнинг (Пахтачилик илмий-тадқиқот институти) номзодлик, Т.Тиллавоеннинг докторлик, Б.Рўзиевнинг номзодлик диссертациялари (ЎзР ФА Зоология институти) юзасидан Олий аттестация комиссияси эксперт кенгашлари мажлисларида талабгор иштирокида салбий қарор чиқарилгани кенгашларнинг келгусидаги фаолияти учун сабоқ бўлмоғи зарурлиги айтилди. Нотиқ диссертациянинг сифати ва талабгорнинг салоҳияти ўзаро мувофиқ бўлишига эришиш лозимлигини айтди.

Ихтиосисклар туташлигида ҳимоялар ўтказилганда диссертация ичил ўрганиб чиқилиши зарур эканлиги ҳақида фикр билдирилиб, ЎзР ФА Микробиология институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда ҳимояси ўтказилган Ё.Қ.Ҳайитовнинг биотехнология ва экология ихтиосисклари туташлигида бажарилган номзодлик диссертацияси баҳс ва мунозаралар асосида фақат битта ихтисослик бўйича тасдиқланганлиги далил сифатида келтирилди.

Йиғилишда танқидлар билан бирга савол-жавоб асносида амалий таклифлар ҳам айтилди. Биология фанлари бўйича эксперт кенгашининг раиси М.Валиқонов ёшларни илмий мунозарага киришишга ўргатиш, тайёр реактивлар асосида ишлаб, натижа олишни эмас, янги реактивларни топиб келиб, ёшларда илмга, янгиликка иштиёқ уйғотиш зарурлигини эътироф этди.

Кимё, кимё-технология, фармацевтика каби соҳалар амалиёт билан узвий боғлиқ. Бу йўналишдаги ишларни ҳам мақташга арзийди деб бўлмайди. Илмий даража эгаларининг сони кўпайиб боряпти. Шу сабаб илмий ишлар бўйича тавсияларнинг амалиётга тадбиқи доимий назоратда бўлмоғи даркор. Мажлисда Олий аттестация комиссияси раиси диссертация етук илмий тадқиқот натижаси эканлиги, унда илмий янгилик, ишнинг амалий аҳамияти кўзга кўринлик диссертациялари (ЎзР ФА Зоология институти) юзасидан Олий аттестация комиссияси эксперт кенгашлари мажлисларида талабгор иштирокида салбий қарор чиқарилгани кенгашларнинг келгусидаги фаолияти учун сабоқ бўлмоғи зарурлиги айтилди. Нотиқ диссертациянинг сифати ва талабгорнинг салоҳияти ўзаро мувофиқ бўлишига эришиш лозимлигини айтди.

Ихтиосисклар туташлигида ҳимоялар ўтказилганда диссертация ичил ўрганиб чиқилиши зарур эканлиги ҳақида фикр билдирилиб, ЎзР ФА Микробиология институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда ҳимояси ўтказилган Ё.Қ.Ҳайитовнинг биотехнология ва экология ихтиосисклари туташлигида бажарилган номзодлик диссертацияси баҳс ва мунозаралар асосида фақат битта ихтисослик бўйича тасдиқланганлиги далил сифатида келтирилди.

Йиғилишда танқидлар билан бирга савол-жавоб асносида амалий таклифлар ҳам айтилди. Биология фанлари бўйича эксперт кенгашининг раиси М.Валиқонов ёшларни илмий мунозарага киришишга ўргатиш, тайёр реактивлар асосида ишлаб, натижа олишни эмас, янги реактивларни топиб келиб, ёшларда илмга, янгиликка иштиёқ уйғотиш зарурлигини эътироф этди.

Маблағ етишмовчилиги ҳақиқат, аммо бу илмий ишга юзаки қараш, диссертацияларни пухта тайёрламасдан муҳокамага қўйиш учун асос бўлмаслиги лозим. Соҳада тўғри баҳолаш, тош-тарози бўлмас экан, олимлар меҳнати китоб жавонларида, кутубхоналар бағрида қолиб кетаверади.

М.ЯХНИЕВА,
ОАК етакчи мутахассиси.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

"Намангандонмаҳсулот" акциядорлик уюшмасининг бош корхонасида Швейцариянинг "Бюллер" фирмасидан келтирилган замонавий технология ишга туширилди.

-1963 йилдан бери ишлаб келаётган корхона биноси ва ускуналар эскириб қолганди, - деди корхона раҳбари Раҳмон Назаров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Энди ликда уюшма бош корхонаси бутунлай бошқатдан қурилди. Барча бинолар таъмирланди. Замонавий хориж ускуналари ўрнатилди. Бошқариш пульт орқали амалга оширилади. Иш жараёнида агар бирор ускунада носозлик рўй берса, пульт орқали бошқарув бўлимига хабар берилади.

Р. Назаровнинг таъкидлашича, корхонада бир кеча кундузда 300 тонна буғдой қайта ишланиб, 240-250 тонна ун навда сифатли ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади. 150 тоннагача омухта ем тайёрланади. Иш етти босқичда бажарилади. Олдингига қарағанда сув ўн баробар, электр энергияси эса икки баробарга тежалади. Ўзўзидан кўриниб турибдики унумдорлик ошади.

СОФ ҲАВО – ТАНГА ДАВО

Бухоро вилояти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва "Экосервис" хусусий илмий ишлаб чиқариш маркази Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ йўлларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўшма дастурни амалга оширишга киришди.

Йилига икки марта "Тоза ҳаво" амалиёти ўтказилади. Ўтган йил якунларига кўра, 6840 машинадан 4735 таси соз деб топилган. Жорий йилда вилоятда 45 мингдан ортиқ машина автомобил назоратидан ўтказилади.

"Туркистон-пресс"

"Жиззахпластмасса" ҳиссадорлик жамиятида бошқа маҳсулотлар билан бир қаторда плёнка ишлаб чиқарилади. Кейинги пайтда корхонада маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулот тайёрлаш бу ердаги ишнинг бош мезони бўлиб қолди. Шунингдек, корхонада ҳар хил хўжалик моллари ва турли диаметрли қувурлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: корхона цехларида иш қизғин.
Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ

(Боши 1-бетда)

Қарши шаҳар С.Раҳимов кўчаси 40-уйда яшовчи фуқаро Н.Аҳмедов Касби тумани М.Улуғбек номли ширкат хўжалигига қарашли Бойдоқчи қишлоғида яшовчи М.Турсуновга Корея давлатида ишлаб чиқарилган 1 дона "LG" русумли рангли телевизор ва магнитофон, 1 дона "Спутник" антеннаси ҳамда аудио ва видео техникаларини қўйишга мўлжалланган таглик – столни 570 АҚШ долларига сотиб, қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги валюта қийматликларини олаётган чоғда вилоят прокуратураси ҳузуридаги СОЖҚҚБ ходимлари томонидан қўлга туширилди ҳамда юқорида қайд этиб ўтилган, ҳеч қандай сертификат ёки ҳужжатга эга бўлмаган товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро Н.Аҳмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилди ва ҳозирги кунда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириб, унинг тармоқларини кўпайтириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Аммо, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун билиб, қонунга хилоф равишда фаолият олиб бораётган нафси халак "тадбиркор"ларнинг ҳам учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Қарши шаҳрида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Ш.Элибаев чет элда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати ва бошқа ҳужжатлари бўлмаган 1 дона "Samsung" русумли телефон аппаратини 165 АҚШ долларига, 1 дона "Nokia" русумли телефон аппаратини 150 АҚШ долларига ҳамда 1 дона "Motorolla" русумли телефон аппаратини 195 АҚШ долларига, жами 500 АҚШ доллари ва 13,0 минг сўмга фуқаро Ш.Мўминовга қонунга хилоф равишда сотиб, кўп миқдордаги валюта қийматликларини санаб олаётган вақтида ушланди ҳамда у савдо фаолиятини амалга ошираётган савдо дўконидан ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган, Хитой давлатида ишлаб чиқарилган 37 турдаги уяли телефон аппаратлари ғилофи ва бошқа турдаги товарлар, жами 721,2 минг сўмлик моллар ҳужжатлаштирилиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Юқоридаги ҳолат юзасидан Ш.Элибаевга нисбатан вилоят прокуратураси ҳузуридаги СОЖҚҚБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди ҳамда 189-моддаси 2-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришни ташкиллаштириш учун Қарши шаҳар прокуратурасига юборилди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" дейдилар. Осонлик билан мўмай даромад эгаси бўлишни кўзлаган шахслар юқоридаги мақолни ҳамиша ёдида тутсалар яхши бўларди. Н.Аҳмедов ҳамда Ш.Элибаевларнинг "марраси" уларни ҳушёр торттириб, қонунни ҳурмат қилиб яшашга ўргатади, дея ишониб қоламиз. Зеро, қонун доимо устувордир.

О.УМРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси бўлим катта прокурори, 1-даражали юрист.

ДАВР ҲУҚУҚ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастурига мувофиқ куни кеча Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар" мавзусида соҳага ихтисослашган журналистлар учун илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий-ахборот воситаларининг ролини ошириш, суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситаларининг муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини ўз вақтида хабардор қилишни ташкиллаштириш масалалари ва уларнинг ечимлари хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Конференция ишида соҳага ихтисослашган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг, суд, прокуратура, ички ишлар ва бошқа органларнинг вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси Б.Мустафоев олиб борди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ

НОМИ ЎЗГАРДИ, МАЪНОСИЧИ?..

(Боши 1-бетда)

"Ҳайдар Баратов" фермер хўжалиги соҳиби Ортиқ Тошболтаев. "Уюшма"дан 2001 йил якунига кўра 2 миллион 830 минг сўм қарздор. 2002 йилнинг якунини қўшса қарзи 20 миллион сўмдан ошиб кетади.

-Мен соф даромаддан беш фоиз тўлайман, - дейди Ортиқ Тошболтаев.

-Ялпи даромаддан беш фоиз берасиз. Ахир шартномага қўл қўйгансиз-ку, - дейди уюшма вакиллиги бошлиғи. Аслида эса туман вакиллигининг низомида фермерлар даромаддан йилига 1 фоизлик аъзолик бадали тўлайди дейилган.

Асл сабаб бошқа томонда. Ортиқ ака айтадики, "уюшма" менга нима қилиб бераяпти?! Нега унга миллион-миллион пул беришим керак?! Фермернинг юрагидаги "тугун" шунда.

"Воҳид" фермер хўжалиги бошлиғи Шайдулла Жуманазаровдан сўрайман.

-Уюшма оғирингизни енгил қилаяптими?

-Туманда майлис бўлса, чақиради.

"Мажлисга чақириб" турганлиги учун "уюшма"га бадал тўланадими?" деган савол ўртага чиқади. Фермернинг айтишича, уюшманинг иши фондни бўлиш. Назаримда "фонд"ни ажратиш ҳалол ишланса яхши ҳисобчининг ярим соат вақтини олади, холос. Уюшма вакиллигида эса 5 киши ишлайди. Битта бино, бу ёғи сейфдан телефонгача, электрдан ёзув машинкасигача, жами ҳар ой учун ярим миллион пул керак экан.

Хулоса шуки, уюшманинг Бандихон туман вакиллиги фермерлар орасида ўз ўрнини тополмаяпти. Фермерлар эса уюшмага кўринар-кўринмас хизмат учун "бир дунё пул беришни" хоҳламаяпти. Фермер ўғитга маблағини бераяпти-ку. Техникадан пулни аямаяпти-ку! Ёқилғига пул топаяпти-ку! Уюшмага эса... мухтожлик сезмаяпти. Вакиллик ўзининг зарур ташкилот эканлигини намоён қилолмаяпти. Уюшма вакиллиги ўтган йил якунлари бўйича ўзининг вилоятдаги ташкилотига 20 февралгача ҳам ҳисобот бермаган. Ҳисобини йўқотган ҳамёнидан айрилур. У қандай қилиб ҳурмат-эътибор топсин. Бу йил 7 та фермер "вакиллик"дан чиқиб, бошқа уюшмага ўтиб кетди. Буям бежизга эмасдир?!

Яна қандай гаплар бор дерсиз...

Кўнглимни ўртаган ҳолга кейин дуч келдим. Баъзи нарсаларнинг ечимини тополмайсан киши. Учратганда "Э-э, дунё-я!" дейсан...

Уюшма вакиллиги бошлиғи Норбой Қулниёзов билан фермерлар даласи томон бораяпмиз. У Ортиқ Тошболтаевни мақтаяптилар:

-300 гектар ери бор. 100 миллион сўмдан ошириб даромад қилдилар. Яқинда янги "Олтой" трактори олди...

Ортиқ Тошболтаев билан узоқ суҳбатлашдим. Ўтган йили ғалладан 55 центнердан ҳосил олган. Пахтани ошириб бажарган. 8 та трактори бор. Бу йил 130 гектар ерга ғалла эккан. Экининг авжи баланд. 170 гектар ерни эгатлаб чигит экишга тайёрлаб қўйибди. Ўтган йили ўзига 200 тонна ғалла қолди. Ҳаммаси зўр! Аммо... Охирги саволим...

-Шийпон борми? Китоб, газета ўқиб турасизми, - дедим.

-Шийпон йўқ! Матбуотга қизиқишимиз йўқ! – деди фермер...

Шунда фермернинг уюшма билан тузилган шартномага тушунмасдан, мағзини чақмасдан имзо чекканининг сирини англагандай бўлдим...

Кейинги пайтда тез-тез кўзга ташланаяпти. Айрим фермерлар ҳисобида 30-40 миллион пул, тагида "Нексия". Уйи данғиллама. Аммо китоблардан йироқ, матбуотдан бехабар. Ҳуқуқий билими саёз, сиёсий дунёқараши тор, маънавий савияси ҳаминқадар. Ортиқ ака "матбуотга қизиқмаймиз" деганида шундай фикрлар хаёлимдан ўтди.

Ният қилдим. Фермер бойисин, "Нексия"лар минсин, гўзал уйлар қурсин, ва... ўзининг "чўнтаги" юз минг сўм кўрганида хўжалигидаги сувчининг қўли ҳам саксон минг сўм пул кўрсин. Фермер маърифатли бой бўлсин, машинасининг олд тортмасида 10 миллион пул билан бирга 10 та кунлик янги газета юрсин, кундалик матбуотни қизиқиб ўқиб борсин! Фермернинг пахта хирмони осмонга етсин, қадами эса Америкага, хориждан тажриба ўрганишга етсин!

Бугун фермерлар бўй кўрсатаётир. "Галлакор" фермер хўжалиги бошлиғи Қулфиддин Шералиев билан суҳбатлашиб қойил дедим. 111 гектар ери бор. Режалар уддаланган. 12 миллион сўм соф даромад қилган. Ишчиларига 78 тонна ғалла тарқатган. Нақд пул билан ойлик маошни ўз вақтида бераяпти. Бу йил эса мактабни газлаштирди. Болалар спорти учун 150 минг сўм маблағ ажратди. Қишлоқ йўлларини ободонлаштиришга 200 минг сўм пул берди. Қулфиддин аканинг ўзи 90 минг сўмга обуна бўлди: "кундалик газеталарни ўқимасам, ниманидир йўқотгандай бўлиб юраман", дейди.

Йўлга тушдик. Сал юргач дил хира бўлди. Далада майсазорни эмас, "қарғазор"ни кўрдик. Ўтган йил октябрда экилиши керак бўлган буғдой, бу йил февралда қадалган. Ғалла кўкаргани йўқ (20 феврал). Далага минг-минглаб қарғалар ташланган. Уруғлик дон қора қарғаларга ем, ер овора, ишчилар сарсон. Бу дала Иброҳим Холматов бошлиқ "Куз – файз-барака" фермер хўжалигининг ери экан. Бу киши ҳам фермер! Эсиз фермерлик! Фермерни уч карра излаб бориб ҳам тополмадик. Ҳисоб рақами қўшни туман банкида. Ўша ёққа кетган, дейишди...

Ҳаёт шундай. Ишлар шунақа. Бандихонни кезиб бирни кўриб шукур, бирни кўриб фикр қилдик.

Яқинда деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг бўлиб ўтган анжуманида бу хусусда атрофлича фикр юритилди. Ўйлаймизки, бу муаммо ўз ечимини топади.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЛИЗИНГГА ТРАКТОР ОЛИШДИ

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда айни чоғга қадар марказий банк ҳамда тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилиб, минг-минглаб тадбиркорлар оёққа туриб олди.

"Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси 2002 йил бошланишида 15108 та жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хизмат кўрсатган бўлса, 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб мижозлар сони 16860 нафарга етди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мижозларнинг 11265 нафари банкларда ўз жамғармаларини сақлаётган жисмоний шахслар бўлса, 5595 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига мансуб бўлган ҳуқуқий шахслар ҳамда тадбиркорлардир.

Банк хизматидан доимий равишда фойдаланиб келаётган "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва бошқа тизимга кирувчи корхоналар, 2623 деҳқон ва фермер хўжаликлари, 599 та якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ҳамда 267 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари мижозларнинг асосини ташкил этади.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш борасида мазкур жамоа ўз иш услубига эга. Ана шу мақсадда биргина ўтган йилнинг ўзида 357 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорларга 1 миллиард 259 миллион сўм кредит ажратилди. Шу жумладан, 2002 йил давомида саноат тараққиётига 320 миллион, фермер хўжаликлари ривожига 207 миллион сўм йўналтирилди. Бундан ташқари, 176 нафар тадбиркорга 725 миллион сўмлик микрокредит ажратилди. Натижада 2002 йилнинг ўзида 1049 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Хўжаликлар ҳамда фермерларнинг лизинг асосида техника воситалари харид қилишларида ҳам банк яқиндан кўмак бериб келмоқда. Чунончи, Каттақўрғон туманидаги "Пахтакор", "Зарафшон", Пайариқ туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжаликларига 7 миллион 660 минг сўмлик қийматга эга бўлган "ТТЗ-100" русумли трактор лизинг асосида олиб берилди. Жомбой туманидаги "Тепалик" фермер хўжалигига лизинг компанияси тўлови орқали 10 миллион 683 минг, Пастдарғом туманидаги "Дўстлик" фермер хўжалигига 4 миллион 30 минг ҳамда шу тумандаги "Наврўз" фермер хўжалигига эса 9 миллион 323 минг сўм қийматга эга бўлган техника воситалари лизинг асосида олиб берилди. Шунингдек, 2002 йилда техникаларга эҳтиёт қисм сотиб олиш учун 242 миллион сўм маблағ ажратилди.

Валюта айирбошлаш шохобчаларининг изчил фаолият кўрсатилаётганлиги ҳам банкнинг нуфузи ошаётганлигини тасдиқлайди. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасида очилган кўплаб омонат турлари мижозларга маъқул келаяпти. Аҳоли зич яшовчи чекка ҳудудларда мини-банклар фаолият кўрсатаётир. Эндиликда фермерлар, тадбиркорлар туман марказларига қатнамай, банк билан боғлиқ барча юмушларини ўша жойнинг ўзида битиришлари мумкин.

Хориж сармояси жалб этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур имкониятлар яратилган. Жумладан, Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси очилган. Ҳозирда унинг маблағидан фойдаланиш учун лойиҳалар танлови ўтказилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини бериш тўғрисида"ги қарорига асосан кўплаб ёшларга кўмак берилди.

-Биз билан ҳамкорликни йўлга қўйган минглаб тадбиркорлар, ширкат хўжаликлари ўзларига кўрсатилаётган хизматдан мамнунлигини изҳор этишаяпти, - дейди қишлоқ хўжалигини қисқа муддатли кредитлаш бўлими бошлиғи Мустафокул Мирзаёров. – Бундан кейин ҳам мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Мижозларга тезкор ва малакали хизмат кўрсатилиши учун биринчи навбатда банкда меҳнат қилаётган ходимлар етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлишлари зарур. Шуни инобатга олиб банк ходимлари доимий равишда ўз малакаларини оширмоқдалар.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"ҚУВОНЧИМИЗГА ШЕРИК БЎЛИНГ"

-Бизда 494 нафар киши меҳнат қилади, - дейди корхона раҳбари Абдуллахон Ёқубов. – Бир кеча-кундузда 500 тонна ун, тонна-тонналаб макарон ва бошқа ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кўриб турибсиз, корхонанинг юки оғир. Лекин белгиланган режалар ошиғи билан бажарилаяпти. Бултурнинг ўзида 69 минг 227 тонна ун ишлаб чиқарилди. Истеъмолга чиқарилган нон маҳсулотлари 336 тоннадан, макарон 373 тоннадан ошди. 8824 тонна уруғлик дон тайёрланди. Агар бу рақамларни пулга чақадиган бўлсак, 10 миллиард 354 миллион 203 минг сўмни ташкил қилади. Бу йил корхонамиз ташкил топганига ўттиз йил тўлади. Кейин Наврўз ҳам келиб турибди. Иккала тўйни битта қиладиган бўлдик.

-Бу ерга ишга келганимга 28 йилдан ошди, - дейди лаборатория мудири Ғафур Умаров. – Дастлаб ун ишлаб чиқариш цехида оддий ишчи бўлиб ишладим. Иш шароити оғир бўлишига қарамасдан қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳаракат қилдим. Цех бошлиғимиз Мурод Ибодовдан касб сир-асрорларини ўргандим. Бугунги кунга келиб у кишининг шогирдлари бошқа корхоналарда ҳам фаолият кўрсатишаяпти.

Цехимизда меҳнат қилаётган 21 киши ойлик ва йиллик топшириқларни муттасил ошиғи билан бажараяпти. Ҳурмат Нурова, Шавкат Рустамов, Анвар Оқилов, Маҳфуза Поёнова сингари тажрибали мутахассисларимиз бошқаларга ибрат бўлишаяпти.

-Олдинги пайтларда бизда четдан мутахассислар келиб ишлашарди. Энди эса маҳаллий аҳоли вакиллари меҳнат қилаяпти, - дейди лаборатория мудири Шоймардон Рустамов. – Мустақиллик бизга катта имкониятлар берди. Янги технологиялар устида ишлаяпмиз. Корхонамизда ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар етарли.

-Корхона касаба қўмитаси раиси бўлиб ишлаётганимга ўн саккиз йилдан ошди,- дейди Жўра Тўхтаев. – Шу давр ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлмади дейсиз. Корхона ишга тушган йиллари бу соҳани яхши билган одамларни камдан-кам учратардингиз. Энди бўлса тажрибали ишчи ҳам, мутахассис ҳам етарли. Янги техникаларни айтмайсизми? Кечаю кундуз тиним билмайди. Ана шу қудратли техникаларни бошқараётган инсонларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароит яратилган. Шу сабабли барча соҳадаги режалар бажарилиб, одамларнинг манфаатдорлиги ҳам йил сайин яхшиланмоқда.

ИЗЛАНИШ

Корхонамиз жамоа аъзолари яхши ишлаб, яхши даромад олишаяпти. Ўртача иш ҳақи 30 минг сўмдан ошиб тушади. Бундан ташқари турли байрамлар муносабати билан қўшимча пул мукофотлари бериб борилади. Ёрдамчи хўжалигимизда бултур 24 тонна гўшт, 42 тонна сут ишлаб чиқарилиб, ишчиларга арзон нархда сотилди. Кексаларни ҳам унутиб қўйганимиз йўқ. Тўй-маъракаларда уларни давранинг тўрида кўрасиз. Наврўз байрамида катта қозонда сумалак қайнайди. Тўкин дастурхон ёзилиб, элга ош тортамиз. Турли қизиқарли томошалар уюштирилади. Байрам сайлга айланиб кетади. Имкон топсаларинг қувончимизга шерик бўлинглар...

Бозор ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"САРБОНТЕКС" МАҲСУЛОТЛАРИ

"Сарбонтекс" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси жорий йилда 450 тонна ип-калаваси, 12 миллион 730 минг квадрат метр бинт, 2 миллион 600 минг квадрат метр жарроҳлик сочиқлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда, - деди қўшма корхона бош директори М. Софуров "Туркистон-пресс" мухбирига.

М. Софуровнинг таъкидлашича, қўшма корхона 2001 йилнинг декабрида барпо этилган. У "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик жамиятининг бўлинмаси ҳисобланади. Юксак сифатли боғлаш материалларини ишлаб чиқарадиган замонавий корхона хорижий инвесторлар кредитлари эвазига барпо этилди. Дока, бинт, дока-сочиқлар ишлаб чиқариш учун Испаниядан замонавий ускуналар сотиб олинди.

Маҳсулотлар 100 фоиз пахта толасидан тайёрланмоқда. Улар ўзини чиройли қадоқлангани, қулай ўлчами ва яроқлилик муддатининг чекланмаганлиги билан ажралиб туради. Қўшма корхона маҳсулотлари Россия Украина, Сербия, Қозоғистон мамлакатларида рўйхатдан ўтказилган ва етакчи тиббиёт муассасаларида қўллашга тавсия этилган.

"Туркистон-пресс"

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

АЗОР САММИТИ ТУГАДИ, ЭНДИ-ЧИ?

Португалиянинг Тинч океанида жойлашган Азор оролларида АҚШ, Буюк Британия, Испания давлатларининг ўзаро саммити бўлиб ўтди.

Кўп кузатувчиларнинг наздида Жорж Буш, Тони Блэр ва Хосе Мариа Аснарнинг бу учрашуви Ироқ масаласини дипломатия йўли билан ҳал этишдаги сўнгги жараён ҳисобланмоқда. Саммит ниҳоясида ўтказилган матбуот анжуманида Жорж Буш Саддам Ҳусайн қуролсизланишини хоҳламаётганлигини ва у бутун дунёга хавф туғдираётганлигини таъкидлаган. Британия раҳбари Тони Блэр эса уруш бошланса ҳам Ироқнинг худудий яхлитлиги сақланиб қолинишини, табиий бойликларига зарар етмаслигини айтган.

Айни пайтда Форс кўрфазида 300 мингга яқин Америка ва Британия аскарлари уруш бошлаш учун бўйруқ кутмоқдалар. Яқин кунлар ичида бошланиши кутилаётган уруш сабабли АҚШ Исроил, Сурия ва Қувайтдаги ўз дипломатларини чақириб олмоқда. Шунингдек, журналистлар ва тинч аҳолига Бағдодни тарк этишлари маслаҳат берилган. Германия эса ўз фуқароларини Ироқдан чиқиб кетишларини сўраган ва Бағдоддаги элчихонасининг ёпилишини маълум қилган.

СЕРБИЯНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Сербия бош вазири лавозимига собиқ мудофаа вазири, демократик партия раисининг ўринбосари Зоран Живкович сайланиши мумкин.

Унинг номзоди серб демократик партияси томонидан илгари сурилмоқда. Ўтган ҳафта суиқасд қурбони бўлган бош вазир Зоран Жинжичнинг сафдоши саналмиш Живкович мамлакатдаги сиёсий ислоҳотларни давом эттиришга ваъда берди. Борди-ю, у ҳокимият тепасига келса, у ҳолда сиёсий-иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ҳамда Жинжич қотилларини топиш ва уларни жазолаш ишини якунига етказиши керак. Шунингдек, бошқа икки номзод ҳам ушбу лавозимга талабгорлик қилмоқда. Бугун эса Сербия ҳукумати ўз раҳбарини аниқлаб олади.

Жинжич қотилларини топиш бўйича ҳозирда 200 га яқин киши ҳибсга олинган. Улар орасида суиқасд ташкилотчиларидан бири Младан Мичич ҳам бор.

СУВ МУАММОСИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Япониянинг Киото шаҳрида сув муаммосига бағишланган учинчи бутунжаҳон форуми ўтказилмоқда.

Унда 160 та давлатдан 10 мингга яқин делегатлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари қатнашмоқда. Форумдан мақсад дунё аҳлини сув танқислигига эътиборини қаратиш ва ундан оқилона фойдаланишдир. Маълумотларга кўра, аҳоли сонининг ошиб бориши, иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши боис, бугунги кунда чучук сув муаммоси кескин ортиб бормоқда. Дунё бўйича ҳар куни дарё ва кўлларга 2 миллион тонна атрофида чиқинди ташланмоқда. Шунингдек, форумда айни пайтда сув заҳираларига эга бўлмаган ҳудудларда яшаётган 1 миллиардга яқин аҳолига ичимлик суви етказиб бериш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. 22 март – Бутунжаҳон сув ресурслари кунига бағишлаб ташкил этилган мазкур форум ҳафта охирига қадар давом этади.

ПАЦИФИЗМ ТАРАФДОРИ ЎЛДИ

АҚШнинг Вашингтон штатида яшовчи, пацифизм (ҳар қандай урушга қарши чиқувчи) тарафдори бўлган 23 ёшли Рэйчел Корри исмли қизни Ғазо секторининг жанубида Исроил қуролли кучларига қарашли бульдозер босиб кетган ва натижада у ҳалок бўлган.

Корри Рафах шаҳридаги қочоқлар лагерида ўтказилган норозилик намойишларида иштирок этаётган ва фаластинликлар уйларининг бузиб ташланишига тўсқинлик қилаётган эди. Исроил томони фожиа сабабли ўз узрини маълум қилган. Ҳозирда турли давлатлар вакилларидан иборат пацифизм тарафдорлари Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида ва Ғазо секторида фаластинликларни ҳимоя қилиш учун ҳаракат олиб бормоқдалар.

САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБА

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Финляндияда бўлиб ўтган умумхалқ сайловларида мухолифатдаги центрист партияси ғалаба қозонди.

Маълумотларга кўра, мухолифатчилар 28,4 фоиз, амалдаги социал-демократлар 24,9 фоиз овоз тўплаган. Сайлов натижаларига кўра, энди мамлакат тарихида илк бор аёл киши, яъни Аннели Яттеенмяки бош вазирлик вазифасини бажаради. Шунингдек, амалдаги президент ҳам аёл киши бўлиб, ҳозирда бу лавозимни 2000 йилги сайловларда ғалаба қозонган Тарья Халонен эгаллаб турибди. Бугун мамлакат иқтисодини кўтариш учун қайсидир маънода Ироқ уруши ҳам тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, аҳолининг катта қисми ушбу урушга қарши чиққан бўлсалар, мухолифатчилар ҳукуматни Ироқ можаросини тинч йўл билан ҳал этишга ҳисса қўшмаганликда айбланганлар.

ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.

"БОЛАЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ" – "ОҚ ОЛТИН" ШИОРИ

"Оқ олтин" телевизион пул-буюм лотереясини таъсис этган "Гавҳаршодбегим" фирмаси ташкилотчилари келажагимиз эгаларига ғамхўрлик кўрсатиб, улар тарбияланаётган болалар боғчаларини, меҳрибонлик уйларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор бериб келмоқдалар.

Лотереянинг ҳар бир тиражи ўтказилаётган пайтда кичкинтойлар иштирокида ҳайрия ёрдами кўрсатиладиган бирон-бир болалар боғчасини аниқлаш яхши анъанага айланган. Ҳозиргача ушбу лотереянинг 68 та тиражи ўтказилган бўлса, мамлакатимизнинг худди шунча миқдордаги болалар боғчаларига салмоқли маблағ ажратилиб, уларга турли ўқув қуроллари сотиб олишлари учун шароит яратилди. Жарқўрғон туманидаги 42-сонли, Пискент туманидаги 12-сонли,"Баҳор", Термиз туманидаги 2-сонли, Бухоро вилоятидаги "Бойчечак", "Саодат", Бекобод туманидаги "Қалдирғоч" болалар боғчалари ана шулар жумласидандир.

Ушбу жамоа даволанишга муҳтож болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиши учун маблағ ажратилиши масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти. Фирманинг моддий кўмаги билан тўрт нафар бола замонавий тиббиёт муассасаларида даволанишди. Бундан ташқари байрамларда болалар учун турли қизиқарли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Оқ олтин"чилар хайрия тадбирларини келгусида янада кенгайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 16 МАРТДАГИ 68-ТИРАЖИ КИСКА ЖАДВАЛИ

1 Тур - 78, 21, 25, 30, 86, 18, 87, 60 Мусиқа маркази
сони: 1 чипта рақами: 15987
2 Тур - 9, 79, 2, 83, 29, 38, 17, 20, 33, 55, 58, 49 Мусиқа маркази
сони:1 чипта рақами: 148
3 Тур - 40, 57, 67, 13, 54, 45, 73, 71, 46, 68, 7, 23
Видео магнитофон, сони:1 чипта рақами: 5264
4 Тур - 88, 31, 63, 6, 19, 56, 41, 82, 70, 77, 36, 27, 51, 5
Видео магнитофон, сони:1 чипта рақами:10156
5 Тур - 11, 50, 65, 90, 76, 52, 28, 48 Телевизор
сони:2 чипта рақами: 4738 , 14533
6 Тур - 89, 75, 35, 72, 15, 3 Уй кинотеатри
сони:1 чипта рақами: 953
7 Тур - 14 тилла узук, сони:2 чипта рақами: 14138 , 14496
8 Тур - 43 тилла узук, сони:1 чипта рақами: 8710
9 Тур - 44, 39 тилла узук, сони:1 чипта рақами: 32830
10 Тур - 61 тилла узук
сони:1 чипта рақами: 4102

11 Тур - 16, 66, 22, 4	17 Тур - 64	550 сўм
4000 сўм	850 сўм	сони:129
сони:2	сони:27	24 Тур - 37
12 Тур - 53	18 Тур - 84	500 сўм
3000 сўм	800 сўм	сони:183
сони:1	сони:38	25 Тур - 8
13 Тур - 80	19 Тур - 42	450 сўм
2000 сўм	750 сўм	сони:387
сони:4	сони:20	26 Тур - 74
14 Тур - 24	20 Тур - 26	400 сўм
1000 сўм	700 сўм	сони:340
сони:5	сони:22	27 Тур - 62
15 Тур - 47	21 Тур - 34	350 сўм
950 сўм	650 сўм	сони:687
сони:12	сони:36	28 Тур - 85
16 Тур - 1	22 Тур - 12	300 сўм
900 сўм	600 сўм	сони:615
сони:23	сони:67	
	23 Тур - 81	

Халтадан чиқмаган шарлар: 10, 32, 59, 69

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "ЎЗСАВДО УСКУНАЛАРИ" ("УЗТОРГОБОРУДОВАНИЕ")

извещает о проведении очередного общего собрания акционеров 20 апреля 2003 года в 15.00 по адресу г.Ташкент ул.Эркина Мараимова, 52

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1.Утверждение регламента общего собрания.
2.Отчет финансово-хозяйственной деятельности за 2002 года.
3.Утверждение заключения независимого аудитора по ревизии финансово-хозяйственной деятельности общества в 2002 году.
4.Утверждение годового баланса и фактических расходов общества за 2002 год.
5.Утверждение распределения прибыли по итогам деятельности за 2002 год, размера дивидендов и сроки их выплат.
6.Утверждение бизнес плана на 2003 год.
7.Списание основных фондов.
8.Утверждение структуры предприятия и кандидатуры председателя.
9.Разное.

Баланс ОАО "Ўзсавдоускуналари" на 01.01.2003 г.

	АКТИВ	ПАССИВ
Уставный капитал		5221,0
Добавленный капитал		90074
Резервный капитал		783
Нераспределенная прибыль		33712,9
Кредиторская задолженность		4625,1
Задолженность в бюджет		39715,9
Основные средства	96137,3	
Долгосрочные вложения	16208,3	
Производственные запасы	42232	
Готовая продукция	9405	
Денежные средства	1999	
Расчет с бюджетом	1306,3	
Дебиторская задолженность	6844	
	174131,9	174131,9

Достоверность баланса подтверждается ООО "Аудит-Олга" действующий на основании лицензии № 00227 от 8.10.2001 г. (свидетельство № от 28.08.2001 г.)

"ВИЛОЯТ МЕХАНИКА УСТАХОНАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

"Вилоят механика устахонаси" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йилнинг 20 мартида бўлишини маълум қиламиз. Йиғилиш Жиззах вилояти Жиззах шаҳри А.Навоий кўчаси, 42-уйда жойлашган "Вилоят механика устахонаси" АЖ биносининг мажлислар залида соат 14.00 да бошланади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 4 март ҳолати бўйича тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Вилоят механика устахонаси" АЖ ва "Техника таъминоти базаси" АЖлар фаолиятини бирлаштириш.

Акциядорлар 2003 йил 20 март куни соат 13.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: жисмоний шахс – паспорт, юридик шахс "ишонч қоғози" – олиб келишлари сўралади.

Кузатув кенгаши

"АКМАЛ ИКРОМОВ ПАХТА ТОЗАЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Акмал Икромов пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилишини 2003 йилнинг 28 мартида бўлишини маълум қиламиз. Йиғилиш Жиззах вилояти Пахтакор тумани, А.Икромов жамоа хўжалиги, Завод кўчаси, 1-уйда жойлашган "Акмал Икромов пахта тозалаш" акциядорлик жамияти биносининг мажлислар залида соат 10.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 28 февраль ҳолати бўйича тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Акмал Икромов пахта тозалаш" АЖнинг 2002 молия йилидаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи;
2. Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича дивиденд миқдорини белгилаш;
4. Жамиятнинг тафтиш комиссиясининг 2002 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи;
5. Кузатув кенгашини сайлаш;
6. Тафтиш комиссиясини сайлаш;
7. Жамиятнинг 2003 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

Акциядорлар 2003 йил 28 март куни соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс"ишонч қоғози" – олиб келишлари лозим.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ОАО "NvaGKGXQI"

Порядковый номер сообщения – 07

Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – 03.03.2003 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет исполнительного органа об итогах финансово-хозяйственной деятельности общества за 2002 год и утверждение бизнес-плана на 2003 год.
2. Отчет Наблюдательного Совета за 2002 год.
3. Отчет ревизионной комиссии и утверждение результатов аудиторской проверки.
4. Распределение прибыли и дивидендов за 2002 год.
5. Внесение в Устав Общества изменений согласно Указа Президента Республики Узбекистан от 24 января 2003 года №УП-3202.
6. Выбор состава Наблюдательного Совета.

Решение принято Наблюдательным Советом.

За дополнительной информацией обращаться по месту нахождения ОАО: **г.Ташкент, ул. У.Носира, 114.**

Дополнение к объявлению от 3.03.2003 г. об общем собрании акционеров ОАО **"NvaGKGXQI"**

Достоверность баланса ОАО "NvaGKGXQI" подтверждается аудиторской фирмой "PROKAR EKSPERT AUDIT" лицензия №221 от 24 сентября 2001 года.

Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	582,90	1 Польша злотийси	241,48
1 Англия фунт стерлинги	1538,84	1 СДР	1327,11
1 Дания кронаси	141,06	1000 Туркия лираси	0,59
1 БАА дирҳами	263,80	1 Швейцария франки	714,75
1 АҚШ доллари	968,92	1 ЕВРО	1047,60
1 Миср фунти	170,58	10 Жанубий Корея вони	7,82
1 Исландия кронаси	12,42	10 Япония иенаси	82,19
1 Канада доллари	658,68	1 Россия рубли	30,88
1 Хитой юани	117,06	1 Украина гривнаси	181,63
1 Малайзия ринггити	255,01		

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ТРАКТОР, БУЛЬДОЗЕР, АВТОКРАН СОТИЛАДИ!

1990 йилда ишлаб чиқарилган ДТ-75 занжирли ҳайдов трактори;

1990 йилда ишлаб чиқарилган Т-170 русумли бульдозер;

"ЗИЛ-133" базасида 1990 йилда ишлаб чиқарилган 10 тонна юк кўтарадиган, гидравликли автокран сотилади.

Мурожаат учун тел.: 54-89-22; 56-89-71; 31-87-30 (уяли тел.)

ИЖОДНИ

АНГЛАШ БАХТИ

(Боши ўтган сонда)

Луччак шафтоли пишганида бир тўйиб еб келиш учун Мустафо деган шофёрига қўшдириб, бир кунга Марғилонга бориб келиши, Бўстонлиқ ёки Чимён тоғларига қимизхўрликка бориши, Сурхондарёнинг тандири баҳона у юртларни кезиб келиши ҳеч гап эмасди. Ўзбекнинг донғи кетган писта-сини Боботоққа бориб кўриб кела оларди. Ўзбек қушларидан булбулдан тортиб беданагача сайратиб эшитишни яхши кўрар, ҳовлисида қўзилар билан бирга шеърдай гўзал кийик боласи сузишиб ўйнашиб юргани-ни кўриб, кўнгли яйрар эди. У ўзбекнинг яктаги-ни ҳам, қирчиллама этигини ҳам, чуст дўпписини ҳам яхши кўрарди ва умрининг охиригача бошидан дўппини қўймаган эди. Ўзбек гуллари унга илҳом берарди - ҳовли-сига ўз қўли билан жамбил - райҳонлар экар, уларни силки-тиб, ҳидидан маст бўлар, қизил атиргулларни чаккасига қистириб юрарди. У ўзбекнинг ҳар жиҳатидан чексиз ғурурланар-ди ва китобларидан бирини "Ўзбек халқининг ғурури" деб ҳам атаган эди. Қани энди ҳозир бирор толиби илм "Фафур Ғулом шеърларида ўзбе-кона деталлар" деган мавзуни олиб, илмий иш қилса... Бундай ишда нафақат унинг мил-лий шоирлиги кўринарди, балки "миллат" деган сўзлар та-қиқлаб қўйилган, миллий хусу-сиятлар ўз-ўзидан эриб йўқ бўлиб кетаётган бир замонда бу буюк шоир ўзбекнинг мил-лийлигини, бинобарин, милла-тини сақлаб қолиши учун ҳам қанчалик жонбозлик қилгани маълум бўлади. Бу борада биз ҳали Ғафур Ғуломдан кўп нар-са ўрганмоғимиз ва бу йўлда бизга берган сабоқлари учун "юз ганж ила ҳақини адо этмо-ғимиз" керак.

Ғафур Ғулом ҳар жиҳатдан хилма-хил қобилиятларга эга бўлган инсон эди. Жумладан, унинг тилларга қобилияти ҳай-рон қолдирарли даражада ўткир эди. У рус тилини мукаммал билар, ундан энг мураккаб асар-ларни ҳам ўзбек тилига қойил-мақом қилиб ўгира оларди. Тур-кий тиллар-ку унинг жону дили эди – бу тилларда гапириш за-рур бўлиб қолганда у ўзини сув-да юрган балиқдек эркин ҳис қиларди. Мен Қозоғистонда унинг учрашувларда ҳам, дўст-ижодкорлар даврасида ҳам қозоқ тилида ҳазил-ҳузуллар, пайровлар, сўз ўйинлари билан гапирганини ўз кўзим билан кўрганман. У Ашхободга бориб қолса туркман бўлиб, Бишкекда қирғиз бўлиб гапира олар-ди. Озарбайжонлар ҳам унинг озар тилини билишигагина эмас, Фузулийга ўхшаш даҳо шоирларни талқин қилишига ҳам қойил қолишарди. Вафоти-дан бироз олдин сса Ғафур ака Қозонга бориб, татарларнинг буюк шоири Абдулла Тўқай ҳақида, татарлар билан ўзбек-ларнинг мустаҳкам дўстлиги тўғрисида татар тилида Тўқай шеърларидан, бошқа татар адибларининг асарларидан пар-чалар келтириб, шунақа эҳти-рос билан жўшиб нутқ сўзла-ганки, катта театр залини тўлдириб ўтирган татар зиёли-лари бир неча бор ўринлари-дан туриб уни давомли қарсак-лар билан олқишлаганлар. Ҳатто орадан икки йил ўтгач, мен Қозонга хизмат сафарига бор-ганимда, танишу нотаниш татар-лар менга Ғафур Ғуломнинг нутқини оғизларидан бол то-миб айтиб беришган эди.

Баъзи бир шоирлар, жумла-дан, Ғафур Ғуломга ҳамроҳ бўлиб Душанбега борган Эркин Воҳидов шоирнинг у ердаги йиғинда тожик тилида ўз она тилидагидек нутқ сўзлаб, улоқ-ни олиб кетганини эслайди. Билмадим, мен Ғафур акага бирон горижий сафарида ҳамроҳ бўлмаганман, лекин бир-ров менга бу одам Эронда ҳам, Афғонистонда ҳам, араб мамла-катларида ҳам, Ҳиндистонда ҳам ўша юртлар тилида гапириб, ҳаммани ўзига ром қилган деса, сира таажжубланмайман.

Ғафур Ғулом ғоятда фозил ва олим одам эди. У адабиёт тари-хини ҳам, Шарқ адабиётини ҳам, ўзбек тилининг сир-сино-атларини ҳам яхши биларди. Мақолаларида Бедилга берган талқинлари, Отойининг номи қандайлиги, Машраб нечта экани тўғрисидаги мақолалари энг юксак адабиётшунослик ме-зонларига ҳам тўғри келарди. Улар ҳануз ўзининг қимматини йўқотгани йўқ.

Ғафур Ғуломнинг Шарқ тари-хидан билими шунақа теран эдики, у ҳар қандай олим билан зарур бўлиб қолганда баҳсга кириша оларди. Аскад Мухтор шоир ҳақидаги хотираларида устознинг атоқли рус ёзувчиси А.Н.Толстой билан баҳслашга-нини эслайди. Уруш йилларида бу адиб Тошкентда яшаган эди. Ижодий учрашувлардан бирида у Иван Грозний ҳақида-ги пьесасидан парчалар ўқип-ти. Йиғинда Ғафур Ғулом ҳам иштирок этган экан. Улар қалин дўст бўлишган экан. Ғафур Ғу-лом Толстойнинг кўк чойни яхши кўришини, уни ҳамиша термосда ўзи билан олиб юри-шини билар экан. Танаффусда дўстига мурожаат қилипти.

-Алексей Николаевич! Чан-қадим. Кўк чойинг билан мех-мон қил!

Улар қўшни хоналардан бирига чиқишипти. Бир оздан кейин Аскад Мухтор бу хонага кириб, икки дўстнинг баҳси ус-тидан чиқиб қолипти. Тўғри-роғи, Ғафур ака хона ўртасида у ён-бу ён юриб, қўлларини силкитиб, жон-жаҳди билан га-пираётган экан. Гап шахснинг та-рихдаги роли ҳақида бормоқ-да экан. Ғафур аканинг гапла-ри шу қадар ишончли, мантиқан кучли эканки, Толстой, аф-тидан, уларга нима деб жавоб беришни билмай, ювош тортиб ўтирган экан.

Ана шундай қомусий билим-лари учун 1943 йилда у дўсти Ойбек билан бирга Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлан-ган эди.

Ҳа, Ғафур аканинг фазилатлари ҳақида ҳам анча гапириш мумкин. Бундай одамлар – халқни улғайтирадиган, миллатга шараф келтирадиган улуғ сиймолар, эҳтимол, юз йилда бир марта бино бўлар.

Мен унинг ҳамма сифатлари тўғрисида гапириб ўтирма-ю, яна бир муҳим жиҳатини тилга олай. Ғафур Ғулом ҳар қанча улуғ шоир ва аллома бўлмасин - у айни чоғда инсон ҳам эди. У иккала оёғи билан замин узра мустаҳкам турар ва инсонга хос бўлган бирор белги унга бегона эмас эди.

У қувонишни яхши биларди, улфатчиликни маъқул кўрарди, ҳазил-ҳузулдан тийин-масди, қах-қах уриб ҳам қуларди, мийиғида ҳам жилмаярди, маишатни яхши кўрарди, ҳаёт-даги қай бир жиҳатлардан, одамларнинг ношойиста хатти-ҳаракатларидан озорланарди, баъзан адашарди ҳам, хатолар ҳам қиларди, яхши дўстларини ранжитарди ҳам. Албатта, бугун ундан ҳар жиҳати силлиқ, ялтироқ турадиган қўғирчоқ ясаш керак эмас. У ўз даврининг одами эди ва шунга кўра давр-га хос бўлган нуқсонлар уни ҳам четлаб ўтмаган. Лекин бу-ларни пеш қилиб, ундан юз ўгириш ёки у "ҳукмрон мафку-рага ғулом (қул) бўлиб хизмат қилди", деб бугун чапак чалиб хурсанд бўлиш номақул иш. Айрим чала муллалар шунақа гапларни айтиб, ўзларини Аме-рика очаётган Колумбдай ҳис этсалар, уларни кўриб кулгим келади.

Назаримда, фақат бир томон-лама ўйлайдиган, "пичоқни ав-вал ўзингга ур" деган нақлни унутиб иш тутадиганлар, ўзла-рини ҳеч қачон бирон хато қилишга, адашишга қобил бўлмаган фаришта, деб ҳисоб-лайдиганларгина халқнинг буюк сиймолари устидан орқаваротдан туриб андишасизлик билан ҳукм чиқараверадилар. Ғафур Ғуломга тош отиш осон. Эҳти-мол, "бу одам кимсан Ғафур Ғу-ломнинг ўзига ҳам тош отган" деган шуҳрат кимгадир маъқул ҳам келар, лекин гап бунда эмас – гап жуда оғир шароитларда яшашга, зулм билан, зўравон-лик билан муроса қилишга, шунда ҳам халқига, юртига му-ҳаббатини сақлаб қололган, ўзининг ўзбеклиги билан чек-сиз ғурурланган ва ўша машъ-ум йилларда ўз юртдошларида ҳам шу ғурурни уйғота олган улуғ шоирни тушунишда, унга муносиб бўлишда, унинг дара-жасига кўтарила олишдадир. Ғафур Ғулом XXI асрда ҳам ўзбек халқи билан бирга яшайди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ФАҲРИЙЛАР ИЖОДИДАН

КАМ БЎЛМАГАЙ

Ким элим, деб ёнса гар топгай камол, кам бўлмагай,
Юртни деб тинмас магар, топмас завол, кам бўлмагай.

Таги роҳатдур азал меҳнатни, ушбу сир эмас,
Топса меҳнатдан – киши нони ҳалол, кам бўлмагай.

Нечалар рўзғори қутли, хонадони нурлидур,
Бахтимизга келди-ку нақ истиқлол, кам бўлмагай.

Юртким осойиштадир, кўнглида ҳеч ғам-ғусса йўқ,
Мустақилликдан бўлиб бу яхши ҳол, кам бўлмагай.

Шодлигидур бир жаҳон Шайдо, фаровонликни кўриб,
Соф ният-ла ишласа келмай малол, кам бўлмагай.

Аҳмаджон Эргаш ШАЙДО

ТЎРТЛИК

Истиқлолим, истиқлол, бизга бердинг чин иқбол,
Таърифингни куйлайман, яша энди безавол.
Қадрим, қимматим, бахтим эртаси мангу баҳор,
Буюк келажак сари юзландинг она диёр!

Раҳимжон УСМОНОВ

Б.АКРАМОВ олган сурат.

МАШРАБ БОҒИДА

ҚЎЙ БОҚИЛИБ, ШОЛИ ЭКИЛАРКАН

(Боши 1-бетда)

Уларнинг меъморий кўринишлари, ички ва ташқи безаклари пешлавҳаларнинг мазмунига монанд эди. Боғнинг ўртасида фаввора, шоирнинг маҳобатли ҳайкали, ҳавас қилса арзигулик музей, маъмурий бино дунёга келди. Дарвозалар, қандиллар, йўлкалар, суғбатхоналар... Мажмуанинг яратилишида Наманганнинг ва бутун водийнинг янг яхши меъморлари, усталари, мусаввирлари, кўплаб ҳунарпешалар бор маҳоратларини ишга солиб, ойлаб меҳнат қилишди.

Хуллас, орзу қилинган гўзал боғ битди. Бобораҳим Машраб тавваллудининг 350 йиллиги шундай нишонландики, Наманганда севинмаган одам қолмади. Жиндай лоф билан айтсак, етти иқлимдан олиму фузалолар ташриф буюришди. Бу илк машрабхонлик ўзбек шеъриятининг байрами даражасига кўтарилди, ўзбекнинг кўпдан-кўп улуғ кишилари иштирок этдилар. Энг муҳими, Машрабнинг ягона қадамжоси яралганди. Ҳадемай Боғи Эрамга айланишига умид қилинган маданият ва истироҳат боғи дастлаб ана шундай кўринишда эди.

...Бугун қўй ва мол боқилаётган "Боғи Эрам"нинг катталари ҳали келишмаган экан (соат 9.30 эди). Шимолий дарвозадан кириб "Эрон"га "сафар" қилмоқчи бўлдим. Йўлдаги баланд саҳна остидаги қўлбола оғил, уюмуюм қийин кўрганда таажжубланмадим. Негаки, чорва бўлгач, унинг "ётоғи" ва тезаги ҳам бўлади-да. "Эрон"га кирган одамнинг ёқа ушламай иложи йўқ. Эшик-деразалардан ном-нишон қолмабди, кабелларгача суғуриб олинган. Қанча рассомнинг кўз нури тўкилган миниатюра услубидаги суратларнинг олачалпоқ излари бор, холос. Оёқ ости эса булғаниб ётибди. "Алатоо"дан ҳам хурсанд бўлиб чиқмайсиз.

"Афғонистон"нинг ҳам нури кетиб, унганкўчган бўлса-да, ҳайтовур эшик-дарчаси ўрнида экан. Аммо ичида не синоат – била олмадик. "Хитой"нинг ҳам файзи қолмабди. Ҳар ҳолда ҳозирча "Эрон"дан дурустроқ.

Маъмурий бинода ўзини катта саркор деб таништирган йигит Абдураҳимжон Аскаржонов экан. Маданият ва истироҳат масканида унинг бошлиғи билан суҳбатимиз ўтган хонадаги маданиятсизлик ва иворсиқликни таърифлаб ўтирмайман. Абдураҳимжон ишни шу йилнинг 1 февралида қабул қилиб олган экан. Неки кўрган бўлсам, ачиниш билан айтдим.

-Биламан, - деди у. – Маъмурий бино билан музейгина "комхоз"га қарайди, бошқаси билан ишим йўқ.

-Нега? - ҳайрон бўлдим.

-Негаки, ҳаммаси сотиб юборилган. Бири озиқ-овқат савдоси, бошқаси умумий овқатланиш идораси ихтиёрига ўтган. "Самарқанд" кафесини Обидхон деган киши (фамилиясини билмайман), "Бухоро" чойхонасини Абдурашид Мирзабоев сотиб олган. Ҳозир ўғли Ойбек қараб туради.

Бу биноларни айланиб, қоровуллардан бошқа ҳеч кимни учратмадик. Икки йилдан бери қоровуллик қилаётган Абдумутал Ҳасановнинг айтишига қараганда, ёз кезлари "Бухоро"га гоҳо одам келиб тураркан. Охирги меҳмон 2002 йил октябрда келган, шундан бери "тинчлик".

Нафсиламбирини айтганда, бирон маросим ўтказаман, бировнинг кўнглини оламан, деб пул харжлайдиган одамнинг бу ерга келиши ҳам даргумон, ҳамма иморат таъмирталаб, биргина "Эрон"ни таъмирлагандан кўра янгисини қурмоқ осонроқ. Боғми, экинзорми, гулхонами эканини аниқлаб бўлмайдиган пайкалларда одам бўйи шўра "азамат" қиш чилласида ҳам йиқилмабди. Ғовлаган дарахтларнинг, бегона буталарнинг сон-саноғи йўқ. Гуллар боғнинг марказида, музей атрофида бор, аммо бошқа жойлардан қидириб кўринг. Истироҳат боғининг булутурги "деҳқончилиги"дан қолган уюм-уюм сомон орасидаги буғдойлар кўкара бошлабди. А.Ҳасановнинг айтишича, аввалроқ шоли (!?) ҳам экилган экан. Сўзнинг мухтасари шуки, ширкат хўжаликлари пудратга бераётган анча-мунча мевазорлар ҳам биз кўрган бу боғдан маданийроқ, истироҳатга бопроқ эди.

Дарвоқе, Машраб боғида ҳам пудрат ишлари авжида. Катта саркор ҳосил етиштириш ва топшириш юзасидан тузилган 11 та шартномани ғурур билан кўрсатди. 25 гектар ерга экин экилади - "комхоз"га даромад. Бу хусусда вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармасидан маълумот олмоқчи бўлдик.

-Биз фақат хизмат кўрсатамиз, - дейди бошқарма мутахассиси Муроджон Холмирзаев.

Унинг билдиришича, Наманган тумани марказидаги "Еттибулоқ" боғигина бошқарма тасарруфига ўтган, бошқаларига эса шунчаки хизмат кўрсатиларкан. "Хизмат кўрсатиш" дегани Машраб боғида кирганимиздек бўлса, бу борадаги "коммунал услуб"нинг даражаси савияси мутлақо тушунарли. Шуниси ҳам борки, шоир номидаги маданият масканининг муҳри ҳам, банкда ҳисоби рақами ҳам йўқ, ҳамма нарса "комхоз" ихтиёрида.

Вилоятда 47 та маданий муассаса бўлиб, уларнинг 33 тасига маданият бошқармаси, қолган 14 тасига бошқа идоралар раҳбарлик қилади. Нега энди қолганларини ҳам маданият тизимига ўтказиш мумкин эмас? Наҳотки, музейлар, мусиқий ансамблар, маданият муассасаси ҳисобланмаса? Илгари вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфида турган, кейинчалик "комхоз"га олиб берилган Машраб боғининг бугунги аянчли аҳволи бошқарувнинг нотўғри танланганидан эмасмикан?..

Армонли умри сарсон-саргардонликда, мискинлик ва мусофирликда ўтиб, фожиона якун топган Машрабнинг қутлуғ номи халқимизнинг, алалхусус, наманганликларнинг қалбига яқин. Унинг покиза руҳини шод этиш илинжида ана шу боғ бунёд этилганди. Бугун эса...

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СПОРТ ОЛАМИДА

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Самарқанд темирйўл транспорти коллежининг спорт мажмуида спортнинг камондан ўқ отиш тури бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари тошкентлик спортчиларга омад келтирди.

Фарғона, Бухоро, Самарқанд вилояти ва шаҳри, Тошкент вилояти ҳамда шаҳри жамоалари иштирок этган ушбу беллашувларда 50 нафардан зиёд ёш спортчилар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Шуниси қувончлики, 1987-1989 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида уюштирилган беллашувларда мамлакат чемпионлари тошкентлик В. Сайфулин, самарқандлик А. Умаров, бухоролик З. Аҳмедовларнинг иштирок этганлиги турнир нуфузини анча оширди. Тўрт кун давом этган муросасиз беллашувларда 1989 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида биринчи ўринни Тошкент шаҳри вакили Ғ. Йўлдошев қўлга киритган бўлса, фахрли иккинчи ўрин ҳам пойтахтлик Б. Ибрагимовга насиб этди. Самарқандлик А. Ильин эса учинчи ўрин билан кифояланди. 1987 йилда туғилган ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда ҳам улоқ пойтахт жамоаси аъзоси Ғ. Йўлдошевда кетди. Рақибларидан кўра маҳоратлироқ бўлган пойтахтликлар биринчи ўринни эгаллади. Фарғоналик В. Бобоевга ушбу беллашувларда иккинчи ўрин насиб этган бўлса, чемпионатнинг бронза медалига яна Тошкент шаҳри жамоаси аъзоси И. Дониленко сазовор бўлди.

1989 йилда туғилган қизлар ўртасидаги мусобақалар ҳам тошкентликлар учун қувончли якунланди. Чунки пойтахт жамоаси вакили В. Кириленко мамлакат чемпионлигини қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин М. Нурманова насиб этди. Чемпионатнинг бронза медали учун қизғин баҳсларда Тошкент шаҳри жамоаси аъзоси З. Тўхтамуродовага омад кулиб боқди. 1987 йилда туғилган қизлар ўртасидаги мусобақаларда биринчи ўринни самарқандлик Р. Назирова эгаллаган бўлса, пойтахт вакили А. Усмоновага иккинчи, фарғоналик Л. Завзинага учинчи ўринлар насиб этди. Умумжамоа ҳисобида эркаклар ўртасида биринчи ўрин Бухоро вилояти жамоасига, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри вакилларига, учинчи ўрин самарқандликларга насиб этган бўлса, аёллар ўртасида барибир Тошкент шаҳри жамоаси аъзоларига тенг келадиган жамоа топилмади. Шуниси эътиборлики, иккинчи ўринни ҳам Тошкент шаҳрининг иккинчи жамоаси вакиллари эгаллашди. Мусобақа мезбонлари самарқандлик аёллар чемпионатнинг фахрли ўринларини қўлга киритишди. Мусобақа якунида ғолиблар ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

"РЕАЛ" МОСКВАГА КЕЛДИ

Чемпионлар лигаси баҳсларида Москванинг "Локомотив" жамоасига қарши майдонга тушадиган "Реал" клубининг таркиби эълон қилинди.

Унга кўра: дарвозабонлар: Касильяс, Сесар, ҳимоячилар: Эльгера, Сальгадо, Миньямбрес, Рубен, Павон. Ярим ҳимоячилар: Фигу, Зидан, Консейсао, Солари, Селадес, Камбиассо, Макелеле, Макманаман. Ҳужумчилар: Роналдо, Рауль, Гути, Портильо.

АЛАН ШИРЕР: ЖАМОАГА ҚАЙТГАНИМ ЙЎҚ

Якшанба куни Англиянинг етакчи нашрлари "Ньюкасл юнайтед" клуби сардори Алан Ширернинг мамлакат терма жамоасига қайтаётганлиги ҳақида хабар берган эди.

Шу боис, Ширер алоҳида чиқиш қилиб, бу маълумотларни рад этди ва терма жамоага қайтмаслигини билдирди. Алан Ширер Англия терма жамоасига сардорлик қилган ва 2000 йилги Европа чемпионатидан сўнг бу вазифани тарк этган эди. "Мен терма жамоага қайтишни ойлам, дўстларим, яқинларим билан маслаҳатлашиб кўрдим. Мен бош мураббий Свен Йоран Эриксson ва жамоа аъзоларининг барчасига "Европа – 2004"да омад тилаб қоламан", деди Алан Ширер.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

КУЙИБ ҚОЛГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Агар одам қайноқ сув, иссиқ овқатдан куйса, тезда суюқлик тўкилган кийимни ечиб олинг.

Одатда жабрланган одамнинг куйган жойи қаттиқ оғрийди.

Қўл-оёқ панжалари куйиб, оғриқ зўрайганда, оғриқ қолгунча 15-20 дақиқа куйган жойни совуқ сувга ботириб туриш, қишда эса тоза қор ёки муз қўйиш тавсия этилади. Куйган жойда пуфакчалар пайдо бўлса, уларни тешманг ва қирманг, чунки инфекция тушиши мумкин. Куйган жойга ҳеч қандай дори суртмасдан қуруқ стерил боғлов қўйинг. Куймаган жойга крахмал, упа сепиш, ўсимлик мойи ёки совун, спирт, йод суртиш мумкин эмас. Бу воситалар тўқималарнинг янада чуқурроқ жонсизланишига, яранинг узоқ вақтгача битмаслигига олиб келиши мумкин.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Аксарият ҳолларда уй бекаларини бир муаммо қийнайди: хўш, қизиб турган ёғдан куйганда нима қилиш керак?

Бунда куйган жойга 10-15 дақиқа давомида совуқ сув қўйинг ёки совуқ нарса билан ҳўлланг, музлатгичдан муз ёки яхлаган гўштни олиб, тоза целлофонга ўраниг-да, куйган жойга қўйинг. Кейин куйган жойни тоза бинт билан аста ўраб қуритинг. Агар терида ёғ юқи қолган бўлса, уни пахтани совунлаб артиб олинг. Агар ёғ сачраган жойдан катта пуфакчалар чиқиб, унинг ичи сероз ёки геморрагик суюқликка тўлган бўлса, уни бинт билан бўшроқ боғланг. Сўнг тезда травматология пунктига ёки поликлиника жарроҳига боринг.

Х.МАҲАМОВА тайёрлади.

Қизларга дўппи-ю атлас ярашар.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ЮЗГА КИРГАН ЭГИЗАКЛАР

Япониянинг Нагоя шаҳрида 107 ёшли Кин Нарита бандаликни бажо келтирди. Юзга кирганлар Японияда оз эмас.

Кин эгизаклардан бири. 1892 йили 1 январда дунёга келган эгизакларга ота-онаси Кин ва Гин деб исм беришди. Бу томонидан японлар бизга ўхшайди. Сабаби, Кин дегани – ўзбекчаси Олтин, Гин дегани – Кумуш дегани. Демак, улар ҳам биз сингари жигарини "Олтиним, Кумушим!", дейишар экан.

* * *

Ҳиндистонлик Шакуитал Деви Лондон коллежида ҳар бири 13 сондан иборат икки сонни: 7686369774870 ва 2465099745779 ни бир-бирига кўпайтиришга кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, 28 секунд вақт сарфлабди. Девининг жавоби: 189476681779954264627773 30

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Муқимий номли 31- мактаб томонидан 1991 йили Тунгатов Тоиржон Шерикбаевич номига берилган А № 469296 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1994 йили Нурумбетова Ўлмас Қосимовна номига берилган № 017705 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 28 октябрдан 2003 йил 31 октябргача бўлган муддатга Котлик Александр Игоревич номига берилган патент ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси раиси Эргашали Қурбоновга падари бузруквори

Қурбон ота ДАМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси раиси Эргашали Қурбоновга падари бузруквори

Қурбон ота ДАМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси раиси Эргашали Қурбоновга падари бузруквори

Қурбон ота ДАМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Аитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-688-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Х.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-205, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 22.20 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

1 2 3 4 5 6